



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

20 22 yil "20" март

№ 330

Тошкент ш.

“Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?”, “Биз коррупцияга қаршимиз” ва “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзуларида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинациялари бўйича масофавий республика онлайн танловларини ўтказиш тўғрисида

Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 2020 йил 17 январда тасдиқланган “2020 йилда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси”нинг 22-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 2020 йил 17 январда тасдиқланган “2020 йилда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси”нинг 22-банди ижросини таъминлаш бўйича “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?”, “Биз коррупцияга қаршимиз” ва “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзуларида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинациялари бўйича масофавий республика танловини ўтказиш бўйича вазирлик Ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага мувофиқ, “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?” мавзусидаги “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов Низоми 2-илова, “Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов Низоми 3-илова ва “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов Низоми 4-иловага мувофиқ, тасдиқлансин.

2. Вазирлик ташкилий қўмитаси (Ю.Абсоатов)га:

танловларнинг барча босқичларини юқори савияда ўтказилишини мувофиқлаштириш, танловларнинг якуний босқичи Ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантириш;

танловлар ғолибларининг энг сара ижодий ишларини веб сайти ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Вазирлик хузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази (О.Худайназаров)га:

- мазкур танловларни белгиланган муддатларда ўтказиш ва у билан боғлиқ бўлган барча ташкилий-амалий ишларни ташкил этиш;

- танловларнинг Республика босқичида ғолиб бўлган талабалар учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус диплом ва фахрий ёрлиқларини тайёрлаш вазифалари топширилсин.

4. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

- талаба-ёшлар ўртасида танловларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда олий таълим муассасаларининг веб-сайтларида танлов ҳақида материаллар бериб бориш;

- “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?”, “Биз коррупцияга қаршимиз” ва “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзуларида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинацияси бўйича масофавий республика танловларининг биринчи ва иккинчи босқичини Низом талабларига мувофиқ юқори савияда ўтказиш, танлов ғолибларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг ота-оналарига “Ташаккурнома”лар етказиш;

- танловларнинг иккинчи босқичи ғолибларининг ижодий ишларини ўрнатилган тартибда вазирлик ташкилий қўмитасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Иқтисодиёт бошқармаси (М.Ҳамраев) “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?”, “Биз коррупцияга қаршимиз” ва “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзуларида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинацияси бўйича масофавий республика танловларининг якуний босқичи ғолибларини танлов Низомларининг 18-бандига мувофиқ рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни “Олий таълим муассасаларини ривожлантириш” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда қопласин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ю.Абсоатов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2020 йил “20” июль даги
330 -сон буйруғига 1-илова

**“Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?”,
“Биз коррупцияга қаршимиз” ва “Одам савдоси – давр муаммоси”
мавзуларида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинацияси бўйича
масофавий республика танловларини ўтказиш бўйича вазирлик
ташкилий қўмитаси
ТАРКИБИ**

1. Ю.Абсоатов - Вазир ўринбосари, ташкилий қўмита раиси
2. М.Ҳамраев - Иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи, аъзо
3. О.Базаров - Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, аъзо
4. А.Арзиматов - Ишлар бошқармаси бошлиғи, аъзо
5. Ф.Бабашев - Ахборот хизмати раҳбари
6. О.Худайназаров - Вазирлик ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат”
маркази директори, аъзо
7. Х.Эшов - Вазирлик ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат”
маркази бўлим бошлиғи, аъзо
8. М.Камильбекова - Вазирлик ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат”
маркази услубчиси, котиб



“Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?” мавзусида “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг томонидан 2020 йил 17 январда имзоланган “2020 йилда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси”нинг 22-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

2. “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?” мавзусида “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танловда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этади.

3. Танлов “Энг яхши мақола” номинациясида масофавий ўтказилади.

4. Танловнинг олий таълим муассасаси босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни олий таълим муассасалари ёшлар билан ишлаш бўйича проректори ва бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади.

II. Танловнинг мақсади ва вазифалари

5. Танловнинг асосий мақсади – талабалар ўртасида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, уларни турли экстремистик оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш, олий таълим муассасаларида талабаларни дунёвийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, талабаларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли талабаларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

6. Танловнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

талабалар ўртасида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, уларни турли экстремистик оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш;

Талабаларни дунёвийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш;

талабаларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш;

талабаларда ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

чора-тадбирлар дастурининг мазмун-моҳияти тарғиботи таъсирчанлигини ошириш;

ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш;

талабаларнинг “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?” мавзусида ўтказилган “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказиш.

III. Танловни ўтказиш босқичи ва муддатлари

7. “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?” мавзусида ўтказилган “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов уч босқичда ўтказилади:

биринчи босқич – академик гуруҳлар талабалари ўртасида жорий йил июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади;

иккинчи босқич – факультетлараро уларнинг ғолиблари ўртасида июнь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилади;

учинчи босқич (яқуний) – олий таълим муассасалари ғолиблари ўртасида жорий йил июль ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

IV. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

8. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичини ўтказиш бўйича олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан Ташкилий қўмита ва соҳа профессор-ўқитувчилари, олимлари, мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда Ҳакамлар ҳайъати тузилади.

9. Талабалар томонидан йўналишлар бўйича тайёрланган ижодий ишлар факультетлар ва ОТМ кесимида тузилган Ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов шартлари ва мезонлари асосида баҳоланади.

10. Танловнинг учинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади. Танловнинг яқуний босқичи ғолибларини аниқлаш бўйича Ҳакамлар ҳайъати тузилади ва танлов ғолиблари Ташкилий қўмитанинг йиғилиш баёни орқали тасдиқланади. Ҳайъат таркибига соҳа бўйича етук мутахассислар жалб этилади.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

11. Танловга тақдим этиладиган мақолалар қуйидаги мезонларда баҳоланади: мавзунинг мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилганлиги (илмий, расмий, бадиий критерияларига мос ва мавзу долзарблигига кўра);

ижодий ишларнинг стилистик ва грамматик жиҳатдан тўғри ёзилганлиги;

мавзуни ёритишда адабиётлардан фойдаланганлик даражаси ва таҳлилий ёндашувлар, мустақил фикрларнинг аниқ билдирилганлиги;

мавзуни ёритишда ўзига хос ижодкорлик хусусиятлари ифода этилганлиги;

мавзуни ёритишда ҳаётий мисоллардан кенг фойдаланилганлиги ва менталитетимизга мос манбалар ёритилганлиги;

мавзуга оид долзарб масалалар, уларнинг ечимлари тўғрисида таклифлар келтирилганлиги;

мақолада калит сўзлар, ўзбекча, русча ва инглизча аннотацияларнинг мавжудлиги.

12. Тақдим этиладиган мақолалар ҳажми 8-10 дан 15-20 бетгача бўлиши мумкин.

13. Ҳар бир мезон 10 баллик тизим асосида баҳоланади (жами 70 балл).

VI. Хужжатларни тақдим этиш тартиби

14. Олий таълим муассасаларида иккита йўналиш бўйича ғолиб бўлган, 1 ва 2-ўринни эгаллаган талабаларнинг хужжатлари (*баённомаси ва қарори, ғолиб бўлган талабанинг ижодий материаллари ва 10x15 ҳажмдаги фотосурати(электрон шаклда)*)ни Вазирлик хузуридаги Ташкилий қўмитасга жорий йилнинг 30 июнига қадар тақдим этилади. Ижодий ишлар электрон (+99899 898-62-50 телеграм рақами) орқали қабул қилинади.

15. Танловга тақдим этиладиган мақолалар (ўзбек, рус ёки инглиз тилларида) компьютер Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, 1 интервалда, чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқори ва пастдан 25 мм жой қолдирган ҳолда ёзилган бўлиши ҳамда матнлар илмий, техник, стилистик таҳрир қилинган бўлиши шарт. Ёзма материалларнинг 1-нусхасида талабаларнинг ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши тўлиқ кўрсатилади, 2-нусхасида ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши кўрсатилмайди.

16. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган ижодий ишлар қабул қилинмайди. Муаллифлик ҳуқуқи бузилишига йўл қўйилмайди. Плагиат ҳолати аниқланганда иш танловдан четлатилади.

VII. Танлов ғолибларини тақдирлаш

17. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичида юқори (1, 2, 3) ўринни эгаллаган талабалар олий таълим муассасалари томонидан махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар, шунингдек, танловда фаол иштирок этган талабалар олий таълим муассасасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланади. Юқори (1, 2, 3) ўринни эгаллаган талабаларнинг ижодий ишлари олий таълим муассасаси газета ва журналларида ёритилади.

18. Танловнинг “Энг яхши мақола” номинацияси бўйича Республика босқичида ғолиб бўлган талабалар қуйидаги тартибда пул маблағлари ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг дипломлари билан рағбатлантирилади:

“Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?” мавзусида ўтказилган “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий ижодий ишлар:

1-ўрин – 3 000 000 (уч миллион) сўм;

2-ўрин – 2 000 000 (икки миллион) сўм;

3-ўрин – 1 000 000 (бир миллион) сўм.

Шунингдек, Танлов йўналиши бўйича Республика босқичида юқори балл тўплаган талабалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Талабаларнинг энг сара ижодий ишлари олий таълим муассасаси газета ва журналларида ёритилади.

**“Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида
“Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов
НИЗОМИ**

I. Умумий қоидалар

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 17 январда имзоланган “2020 йилда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси”нинг 22-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

2. “Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танловда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этади.

3. Танлов “Энг яхши мақола” номинациясида масофавий ўтказилади.

4. Танловнинг олий таълим муассасаси босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни олий таълим муассасалари ёшлар билан ишлаш бўйича проректори ва бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади.

II. Танловнинг мақсади ва вазифалари

5. Танловнинг асосий мақсади - ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсизликни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциядан огоҳлантириш бўйича чораларни амалга ошириш, коррупцион ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, унинг оқибатлари, сабаблари ва келтириб чиқарган шароитларни бартараф этиш ҳамда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун жазо муқаррар эканлигини чуқур англатиш мақсадида олий таълим муассасалари талабаларини дунёвийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намоёништиришлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

6. Танловнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;
- олий таълим муассасаларида ёшларни коррупцияга нисбатан муросасизликни шакллантириш,
- ёшларимизни давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги мавжуд коррупциядан огоҳлантириш,
- коррупцион ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, мазкур турдаги жиноятларнинг сабаблари ва келтириб чиқарган шароитларни бартараф этиш ҳамда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун жазо муқаррар эканлигини чуқур англатиш;
- ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намоёништиришлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда

мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш;

- ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш, дастурнинг мазмун-моҳияти тарғиботи таъсирчанлигини ошириш;

- “Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинациясидаги талабаларнинг ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказиш.

III. Танловни ўтказиш босқичи ва муддатлари

7. “Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов уч босқичда ўтказилади.

биринчи босқич – академик гуруҳлар талабалари ўртасида жорий йил июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади;

иккинчи босқич – факультетлараро уларнинг ғолиблари ўртасида июнь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилади;

учинчи босқич (яқуний) – олий таълим муассасалари ғолиблари ўртасида жорий йил июль ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

IV. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

8. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичини ўтказиш бўйича олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан Ташкилий қўмита ва соҳа профессор-ўқитувчилари, олимлари, мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда Ҳакамлар ҳайъати тузилади.

9. Талабалар томонидан йўналишлар бўйича тайёрланган ижодий ишлар факультетлар ва ОТМ кесимида тузилган Ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов шартлари ва мезонлари асосида баҳоланади.

10. Танловнинг учинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади. Танловнинг яқуний босқичи ғолибларини аниқлаш бўйича Ҳакамлар ҳайъати тузилади ва танлов ғолиблари Ташкилий қўмитанинг йиғилиш баёни орқали тасдиқланади. Ҳайъат таркибига соҳа бўйича етук мутахассислар жалб этилади.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

11. Танловга тақдим этиладиган мақолалар қуйидаги мезонларда баҳоланади:

- мавзунинг мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилганлиги (илмий, расмий, бадий критерияларига мос ва мавзу долзарблигига кўра);

- ижодий ишларнинг стилистик ва грамматик жиҳатдан тўғри ёзилганлиги;

- мавзуни ёритишда адабиётлардан фойдаланганлик даражаси ва таҳлилий ёндашувлар, мустақил фикрларнинг аниқ билдирилганлиги;

- мавзуни ёритишга ўзига хос ижодкорлик хусусиятлари ифода этилганлиги;

- мавзуни ёритишда ҳаётий мисоллардан кенг фойдаланилганлиги ва менталитетимизга мос манбаларни ёритилганлиги;

- мавзуга оид долзарб масалалар, уларнинг ечимлари тўғрисида таклифлар келтирилганлиги;

- мақолада калит сўзлар, ўзбекча, русча ва инглизча аннотацияларнинг мавжудлиги.

12. Тақдим этиладиган мақолалар ҳажми 8-10 дан 15-20 бетгача бўлиши мумкин.

13. Ҳар бир мезон 10 баллик тизим асосида баҳоланади (жами 70 балл).

VI. Хужжатларни тақдим этиш тартиби

14. Олий таълим муассасаларида иккита йўналиш бўйича ғолиб бўлган, 1 ва 2-ўринни эгаллаган талабаларнинг хужжатлари (*баённомаси ва қарори, ғолиб бўлган талабанинг ижодий материаллари ва 10x15 ҳажмдаги фотосурати (электрон шаклда)*)ни Вазирлик ҳузуридаги Ташкилий қўмитасга жорий йилнинг 30 июнига қадар тақдим этилади. Ижодий ишлар электрон (+99899 898-62-50 телеграм рақами) орқали қабул қилинади.

15. Танловга тақдим этиладиган мақолалар (ўзбек, рус ёки инглиз тилларида) компьютер Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, 1 интервалда, чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқори ва пастдан 25 мм жой қолдирган ҳолда ёзилган бўлиши ҳамда матнлар илмий, техник, стилистик таҳрир қилинган бўлиши шарт. Ёзма материалларнинг 1-нусхасида талабаларнинг ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши тўлиқ кўрсатилади, 2-нусхасида ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши кўрсатилмайди.

16. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган ижодий ишлар қабул қилинмайди. Муаллифлик ҳуқуқи бузилишига йўл қўйилмайди. Плагиат ҳолати аниқланганда иш танловдан четлатилади.

VII. Танлов ғолибларини тақдирлаш

17. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичида юқори (1-, 2-, 3-) ўринни эгаллаган талабалар олий таълим муассасалари томонидан махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар, шунингдек, танловда фаол иштирок этган талабалар таълим муассасасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланади. Юқори (1-, 2-, 3-) ўринни эгаллаган талабаларнинг ижодий ишлари олий таълим муассасаси газета ва журналларида ёритилади.

18. Танловнинг “Энг яхши мақола” номинацияси бўйича Республика босқичида ғолиб бўлган талабалар қуйидаги тартибда пул маблағлари ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг дипломлари билан рағбатлантирилади:

“Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида ўтказиладиган “Энг яхши мақола” номинациядаги масофавий ижодий ишлар:

1-ўрин – 3 000 000 (уч миллион) сўм;

2-ўрин – 2 000 000 (икки миллион) сўм;

3-ўрин – 1 000 000 (бир миллион) сўм.

Шунингдек, Танловнинг йўналиши бўйича Республика босқичида юқори балл тўплаган талабалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Талабаларнинг энг сара ижодий ишлари олий таълим муассасаси газета ва журналларида ёритилади.

**“Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида
“Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов
НИЗОМИ**

I. Умумий қоидалар

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 2020 йил 17 январда имзоланган “2020 йилда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси”нинг 22-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

2. “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танловда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этади.

3. Танлов “Энг яхши мақола” номинациясида масофавий ўтказилади.

4. Танловнинг олий таълим муассасаси босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни олий таълим муассасалари ёшлар билан ишлаш бўйича проректори ва бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади.

II. Танловнинг мақсади ва вазифалари

5. Танловнинг асосий мақсади – ёшларнинг одам савдоси ва ноқонуний меҳнат миграция соҳасидаги саводхонлигини ошириш, “Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш олий таълим муассасаларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намоёни этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

6. Танловнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ёшлар ўртасида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, уларни одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларга қўшилиб кетишининг олдини олиш;

олий таълим муассасаларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш;

ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларни намоёни этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш;

ёшларда одам савдосига қарши курашнинг мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

чора-тадбирлар дастурининг мазмун-моҳияти тарғиботи таъсирчанлигини ошириш;

ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш;

“Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусидаги талабаларнинг ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказиш.

III. Танловни ўтказиш босқичи ва муддатлари

7. “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида ўтказилган “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий танлов уч босқичда ўтказилади:

биринчи босқич – академик гуруҳлар талабалари ўртасида жорий йил июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади;

иккинчи босқич – факультетлараро уларнинг ғолиблари ўртасида июнь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилади;

учинчи босқич (яқуний) – олий таълим муассасалари ғолиблари ўртасида жорий йил июль ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

IV. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

8. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичини ўтказиш бўйича олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан Ташкилий қўмита ва соҳа профессор-ўқитувчилари, олимлари, мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда Ҳакамлар ҳайъати тузилади.

9. Талабалар томонидан йўналишлар бўйича тайёрланган ижодий ишлар факультетлар ва ОТМ кесимида тузилган Ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов шартлари ва мезонлари асосида баҳоланади.

10. Танловнинг учинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади. Танловнинг яқуний босқичи ғолибларини аниқлаш бўйича Ҳакамлар ҳайъати тузилади ва танлов ғолиблари Ташкилий қўмитанинг йиғилиш баёни орқали тасдиқланади. Ҳайъат таркибига соҳа бўйича етук мутахассислар жалб этилади.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

11. Танловга тақдим этиладиган мақолалар қуйидаги мезонларда баҳоланади:

мавзунинг мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилганлиги (илмий, расмий, бадий критерияларига мос ва мавзу долзарблигига кўра);

ижодий ишларнинг стилистик ва грамматик жиҳатдан тўғри ёзилганлиги;

мавзуни ёритишда адабиётлардан фойдаланганлик даражаси ва таҳлилий ёндашувлар, мустақил фикрларнинг аниқ билдирилганлиги;

мавзуни ёритишда ўзига хос ижодкорлик хусусиятлари ифода этилганлиги;

мавзуни ёритишда ҳаётий мисоллардан кенг фойдаланилганлиги ва менталитетимизга мос манбалар ёритилганлиги;

мавзуга оид долзарб масалалар, уларнинг ечимлари тўғрисида таклифлар келтирилганлиги;

мақолада калит сўзлар, ўзбекча, русча ва инглизча аннотацияларнинг мавжудлиги.

12. Тақдим этиладиган мақолалар ҳажми 8-10 дан 15-20 бетгача бўлиши мумкин.

13. Ҳар бир мезон 10 баллик тизим асосида баҳоланади (жами 70 балл).

VI. Хужжатларни тақдим этиш тартиби

14. Олий таълим муассасаларида иккита йўналиш бўйича ғолиб бўлган, 1 ва 2-ўринни эгаллаган талабаларнинг хужжатлари *(баённомаси ва қарори, ғолиб бўлган талабанинг ижодий материаллари ва 10x15 ҳажмдаги фотосурати(электрон шаклда)* ни Вазирлик ҳузуридаги Ташкилий қўмитасга жорий йилнинг 30 июнига қадар тақдим этилади. Ижодий ишлар электрон (+99899 898-62-50 телеграм рақами) орқали қабул қилинади.

15. Танловга тақдим этиладиган мақолалар (ўзбек, рус ёки инглиз тилларида) компьютер Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, 1 интервалда, чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқори ва пастдан 25 мм жой қолдирган ҳолда ёзилган бўлиши ҳамда матнлар илмий, техник, стилистик таҳрир қилинган бўлиши шарт. Ёзма материалларнинг 1-нусхасида талабаларнинг ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши тўлиқ кўрсатилади, 2-нусхасида ўқиш жойи, факультети, курси ва таълим йўналиши кўрсатилмайди.

16. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган ижодий ишлар қабул қилинмайди. Муаллифлик ҳуқуқи бузилишига йўл қўйилмайди. Плагиат ҳолати аниқланганда иш танловдан четлатилади.

VII. Танлов ғолибларини тақдирлаш

17. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичида юқори (1, 2, 3) ўринни эгаллаган талабалар олий таълим муассасалари томонидан махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар, шунингдек, танловда фаол иштирок этган талабалар олий таълим муассасасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланади. Юқори (1, 2, 3) ўринни эгаллаган талабаларнинг ижодий ишлари олий таълим муассасаси газета ва журналларида ёритилади.

18. Танловнинг “Энг яхши мақола” номинацияси бўйича Республика босқичида ғолиб бўлган талабалар қуйидаги тартибда пул маблағлари ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг дипломлари билан рағбатлантирилади:

“Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида ўтказилган “Энг яхши мақола” номинациясидаги масофавий ижодий ишлар:

1-ўрин – 3 000 000 (уч миллион) сўм;

2-ўрин – 2 000 000 (икки миллион) сўм;

3-ўрин – 1 000 000 (бир миллион) сўм.

Шунингдек, Танлов йўналиши бўйича Республика босқичида юқори балл тўплаган талабалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Талабаларнинг энг сара ижодий ишлари олий таълим муассасаси газета ва журналларида ёритилади.